

**Бошланғич таълим сифат ва самарадорлигини оширишда АКТ
имкониятларидан фойдаланиш**

Дилдора Пулатова

“Мактабгача ва бошланғич таълим”

кафедраси катта ўқитувчиси

Ватанимиз йигит қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш мақсадида ўқув жараёнига ахборот-коммуникация ва интернет технологияларини кенг жорий қилиш бўйича амалий ишлар “Соғлом бола йили” Давлат дастурида кўрсатиб қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда олиб борилмоқда. Унда қуйидагилар асосий вазифалар сифатида белгилаб қўйилган:

4 банд соғлом болани шакллантиришда таълим-тарбия тизими ва спортнинг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни юқори малакали ва тажрибали педагоглар билан таъминлаш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни амалиётга кенг жорий этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, болалар, айниқса қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш. 71-бандда бошланғич синфларда ўқитиш сифатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан:

1-4 синфлар учун шу ёшдаги болаларнинг психологик-физиологик ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурлари ва дарсликларни танқидий қайта кўриб чиқиш;

Ўқитиш жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни кенг жорий этиш;

Илғор ва ахборот коммуникация технологияларни бошланғич синфлар ўқитувчилари фаолиятига жорий этиш бўйича методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш;

Бошланғич синфлар дарсликлари учун мултимедиа ишланмаларини босқичма-босқич ишлаб чиққан ҳолда ўқитишнинг ўйинли шакллари ва медиатеchnологиялардан фойдаланишни кенгайтириш.

Давлат дастурининг ушбу бандлари бошланғич синф ўқитувчилари зиммасига маъсулият юклайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ахборот- коммуникация технологиялари ва интернетнинг таълим соҳасига кенг кириб келиши таълим хияматларининг глобаллашуви учун ҳам катта йўл очиб бермоқда. Ривожланган давлатлар таълим соҳасида бўлаётган бундай ижобий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, таълим сифатини юксалтириш учун ахборот- коммуникация технологияларидан оммавий равишда фойдаланиш давр талабига айланмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ақлий салоҳиятининг ўсиб бориши, уларнинг таълим мазмунига чуқурроқ кириб боришга интилиши, ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиб дунё янгиликларидан бохабар бўлишга қизиқишлари ўз- ўзидан маълумки ўқитувчилардан ўз устиларида тинимсиз изланишлари бугунги кун нафаси билан яшаши ҳамда таълим соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан бохабар бўлиб боришни талаб этади.

“XXI аср – ахборот технологиялари асри” деб бежиз айтилмаган. Бугунги кунга келиб таълим соҳасида кўплаб ютуқларга эришилмоқда. Айни вақтга келиб таълим соҳасида самарали ислохотлар амалга оширилди.

Инновацион технологияларга асосланиб дарсларни ўтказиш яхши натижаларни бермоқда. Ахборот коммуникацион технологияларни ўқув

жараёнида қўллаш жаҳон амалиётида кенг қиррали бўлиб, унга педагогик, психологик, дидактик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа нуқтаи назарларидан ёндашиш лозим. Дарс жараёни мураккаб ижодий машғулоти. Унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг фаоллигига боғлиқ. Уларни фаоллаштириш учун ахборот технологиялари, ўйин, баҳс, суҳбат, мусобақа, саёҳат, конференция, давра суҳбати, ролли ўйинларни қўллаш, китоб билан ишлаш, компьютер машғулотларига кўпроқ вақт ажратиш керак.

Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларнинг ўринли қўлланилиши, машғулотларнинг қизиқарли тарзда ташкил этилишига олиб келиши билан ўқув материалларининг чуқур ўзлаштирилишига кенг имконият яратиб беради. Педагогик жараёнларга таълимнинг замонавий технологияларини киритиш, ёшларни мустақил ижодий ишлашга, эркин фикрлашга ўргатишни ҳозирги давр талаби экан, унинг таълим-тарбия билан узвийлигини таъминлаш бугунги кун вазифасидир.

Ҳозирги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг кўп қисми мактабга чиқмасданоқ компьютер саводхонлигига эга бўлишмоқда. Улар компьютер орқали ҳар хил ўйинларни ўйнашни, компьютер қисмларидан қандай фойдаланишни боғча ёшиданоқ ўрганиб олмоқда. Шуларни эътиборга олиб, бошланғич таълимга ахборот-коммуникацион технологияларни киритиш талаб даражасига чиқмоқда.

Ҳар йили ўтказиладиган август кенгашларининг шўъба йиғилишларида ҳам айнан муҳокама қилиниши керак бўлган масалалар қаторига “Бошланғич синфларда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш” мавзуси киритилган.

Ўқиш, она тили, математика, табиат, мусиқа, меҳнат, саломатлик дарслари бўйича дастурлар асосида тайёрланган анимацияли, сюжетли, видеороликлардан, слайдлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан бошланғич синфларда атрофимиздаги олам ва табиатшунослик дарсларида ахборот технологияларни қўллаш ўқувчилар учун ўз ҳудуди ва болани ўраб турган табиатга бўлган меҳр ва муҳаббатини англаган ҳолда онгли муносабатни шакллантириш имконини беради. Она тили ва ўқиш дарсларида мавзунинг аниқ маълумотларини тушуниб олишга, калит сўзлар билан танишишга, матнда асар қаҳрамонлари, воқеалар кетма-кетлиги билан танишишга имкон беради. Меҳнат дарсларида янги ғояларнинг вужудга келиш имконини беради. Мусиқа ва саломатлик дарсларида видеороликлар, слайдлар ўқувчиларнинг мавзуни жонли ўзлаштиришлари учун самарали натижа беради.

Ушбу йилда бошланғич синф, жумладан 1-синфларнинг предметлари учун таълим маркази ва мультимедиа маркази томонидан мультимедиа электрон қўлланмалар тайёрланди.

Мультимедиа электрон қўлланманинг афзаллик томонларидан бири мавзуларга тегишли анимациялардан гипермуружоатлаш ёрдамида фойдаланиш имконияти мавжуд. Анимациялар ҳаракат ва овоз билан бойитилиши эвазига ўқув материалларининг мазмунини кенгроқ ва тушунарли тарзда ёритиб беради.

Амалиётнинг кўрсатишича, дарс жараёнида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш дарс мавзусининг муаммоли масалаларига диққатни қаратиш имконини беради.

Ахборот-коммуникацион технологияларни ўқувчиларга улар мактабда таълим олишни бошланган вақтдан бошлаб оммавий равишда ўқитишни бошлаш керак, чунки бу даарда ўқувчиларда кўникмалар тез шаклланади.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот-коммуникацион технологиялари ўқувчиларнинг мустақиллик ва ўзини бошқариш ҳамда ривожланишига ёрдам беради, ўқувчининг ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятини кенгайтиради. Асосийси, у ўқувчиларнинг коммуникатив кўникма ва малакаларини ривожлантиришга ва улар ўртасидаги ҳиссий мулоқотни ўрнатилишига ёрдам беради, компьютер билан ишлашга ўргатади. Хуллас

дарс жараёнини ахборот-коммуникацион технологиялар орқали ташкил этиш ўзига хос сифат ва самарадорликни таъмин этади.